

Бақара сураси, 203-оят

08:10 / 10.02.2018 4183

Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилинг. Бас, ким икки кундан кейин кетишга шошилса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ. Тақво қилувчилар учун. Аллоҳга тақво қилинглари ва билинглари, сиз албатта Унинг ҳузурига тўпланурсиз. Бақара 203.

«**Саноқли кунлар**» деганда ҳайит кунидан кейинги уч кун назарда тутилган.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос: «**Саноқли кунлар ташриқ кунларидир**», – деганлар.

Набий алайҳиссалом: «Арафа, қурбонлик ва ташриқ кунлари биз, аҳли Исламнинг байрами – емоқ, ичмоқ кунларидир», – деганлар. Шундан келиб чиқадики, арафа ва қурбон ҳайити кунлари ташриқ кунлари қаторига кирмайди.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло саноқли кунларда, яъни ташриқ кунларида Ўзини эслашга, зикр қилишга буюрмоқда.

«Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилинг».

Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Саноқли кунларда Аллоҳни эсланг», дегани «Ташриқ кунларида фарз намозларидан кейин «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар», деб такбир айтинг», деганидир».

Аммо ҳажда бўлганда, бундан мурод шайтонга тош отиш бўлади. Ҳар бир тошни отишдан олдин «Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар», – дейилади. Ҳар куни уч жойга еттидан йигирма битта тош отилади. Ҳайитдан кейинги икки кунда тош отиб, шошилиб, Минодан кетса, гуноҳ бўлмайди.

«Бас, ким икки кундан кейин кетишга шошилса, унга гуноҳ йўқ».

Агар ихтиёр қилиб, учинчи кунга қолиб, тош отса ҳам, гуноҳ йўқ:

«Ким кечикиб қолса, унга гуноҳ йўқ».

Кейин бошқа ибодатлар қатори, ҳаж ҳам тақво жойи экани, ҳаждаги тўпланиш қиёматдаги тўпланишни эслатиши зарурлиги зикр қилинади:

«Аллоҳга тақво қилинлар ва билинларки, сиз албатта Унинг ҳузурига тўпланурсиз».

Ўтган оятларда қалбни поклайдиган, тақводор қиладиган рўза, садақа ва ҳаж каби ибодатлар зикр қилинди. Одамлардан баъзилари фақат бу дунёни кўзлашлари ва уларга охирада насиба йўқлиги ва баъзилари икки дунёда ҳам Аллоҳдан яхшилик кутишлари айтиб ўтилди. Келаси оятларда адашиб, шайтон йўлидан юрганларга ва ҳидоят топиб, Роҳманнинг йўлида юрганларга мисол келтирилади.